

Жорий йилнинг I-чорагида 5,1 трлн сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди

Бугун Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида 2022 йил I чорагида «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан амалга оширилган ишлар таҳлили" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда уюшма раҳбарияти, соҳа мутахассислари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда дастлаб уюшма томонидан жорий йилнинг I-чорагида амалга оширилган ишлар, инвестиция лойиҳалари, саноат корхоналари фаолияти ва экспорт кўрсаткичлари, маҳсулотлар сифати ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланишича, 2022 йилнинг I-чорагида соҳа бўйича жами **5,1 трлн** сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш **108** фоизни ташкил этди.

Шундан уюшма таркибидаги йирик саноат корхоналари томонидан **1333,2 млрд** сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш ўтган йилга нисбатан **114,6 фоизни** ҳамда уюшма таркибидаги кичик бизнес корхоналари томонидан **707,4 млрд** сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 114,8 фоизни ташкил этди.

Жумладан, **2,6 млн тонна** цемент, **6,8 млн** кв.м 2-мм ўлчамда – қурилиш ойнаси, **3,0 млн** кв м – керамик плитка, **8,9 млн** кв м – гипсокартон, **34,7 минг** тонна – қуруқ қурилиш аралашмалари, **386 минг** ўрам – обой, **27 минг** тонна – оҳак, **39,2 минг** тонна – гипс каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 04.04.2022 йилдаги № 149-Ф-сонли фармойиши билан 2022 йилда цемент ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг параметрлари тасдиқланган бўлиб, унга кўра жорий йилда **16,4 млн тонна** цемент ишлаб чиқариш ва шундан **9,5 млн тонна**сини биржа савдолари орқали сотиш белгиланган.

Жорий йилнинг ўтган I-чорагида жами **2,6 млн тонна** цемент ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш **90,0 фоизни** ташкил этган. Ушбу даврда биржа савдоларида сотилган **1,4 млн тонна** цемент (**73 %**) истеъмолчиларга етказиб берилган.

Бугунги кунда, биржа савдоларида **1 тонна** цементнинг ўртача нархи **571,0 минг** сўмни ташкил этиб (жорий йил бошида **592,5 минг** сўм) **0,4 фоизга** камайган, **1 кв метр** қурилиш ойнасининг нархи **39,3 минг** сўмни ташкил этиб (**25,7 минг** сўм) **52 фоизга**, **1 дона** шифернинг нархи эса **36,8 минг** сўмни ташкил этиб (**34,0 минг** сўм) **8,4 фоизга** ўсган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастури доирасида асосан “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида умумий қиймати **495,7 млн доллар** бўлган **21** та лойиҳа бўйича жорий йилда **172,7 млн доллар** ўзлаштириш белгиланган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга **80,6**

млн доллар ташаббускорлар маблағи, **5,0 млн доллар** банк кредитлари ва **87,1 млн доллар** хорижий инвестициялар ва кредитлар йўналтирилади.

Жорий йилнинг **январь-март ойларида 21 та** инвестиция лойиҳалари бўйича жами **275 млн доллар** инвестициялар ўзлаштирилди.

Худудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурлари доирасида 2022 йил 1-чорагида **830 та** лойиҳа бўйича **2 трлн 240 млрд сўмлик** маблағлар ёки режага нисбатан **101,9 фоиз** ўзлаштирилган, **77 та** лойиҳа ишга туширилган ва **791 та** янги иш ўрни яратилган.

2022 йил I чорагида **109 млн доллар** миқдорида экспорт амалга оширилиб, белгиланган режа **100,6 фоизга** бажарилди ва ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1,5 бараварга** таъминланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида қурилиш материаллари экспорти географияси анъанавий ҳисобланган бозорлар яъни **Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистондан** ташқари **Афғонистон, Озарбайжон, Туркия, Россия, Украина, Хитой** давлатлари ҳисобига кенгайтирилди.

2022 йил I чорагида маҳаллийлаштириш дастури доирасида жами **215 млрд сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқариш белгиланган бўлса, январь-март ойларида белгиланган режа **102 фоизга** бажарилиши таъминланди.

Тадбир давомида ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар тўлиқ жавоб олишди.